

**ARTICLE INFO**

Qabul qilindi: 20-Aprel 2025 yil
Ma'qullandi: 25-Aprel 2025 yil
Nashr qilindi: 30-Aprel 2025 yil

KEYWORDS

халқ манфаати, криминоген вазият, сектор, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай”, “оилабай”, “фуқаробай”, “илмий диагноз” аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя, петиция.

ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАРДА «МАҲАЛЛАБАЙ», «ОИЛАБАЙ», «ФУҚАРОБАЙ» ИШЛАШ ТИЗИМИГА ДОИР ХОРИЖ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Қундузов Муроджон Абдумуталиб ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
магистратура тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15332977>

ABSTRACT

Мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан секторларда “маҳаллабай”, “оилабай”, “фуқаробай” ишлаш тизимини ташкил этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар ўрганилган. Секторларда маҳаллабай, оилабай, фуқаробай ишлашнинг илғор хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек уни амалга оширишни ташкил этилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда секторларнинг ролини кучайтиришнинг янги механизмини жорий этиш ва уни самарали режалаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан секторларда “маҳаллабай”, “оилабай”, “фуқаробай” ишлаш тизимини ташкил этиш юзасидан илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, таҳлил қилиш, миллий тизимга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Франсуз олими М. Анселнинг фикрига кўра, хорижий тажриба юристларга янги ғояларни очиш, ўз давлатининг ҳуқуқ тизимини яхшироқ билиш, бошқа тизимлар билан қиёслаш орқали унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Н. Бердияров “Қонунларнинг тобора либерал-лашиб бораётганлиги боис, қонунчиликда янги таъсирчан механизмларни шакллантириш, қонунчилик технологиясига оид илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, қонунчилик технологиясини бугунги давр талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда”, деб таъкидлайди.

Қонунчилик ҳужжатларида ҳам муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариш учун амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш асосида иш тутишни назарда тутлади.

Германия Федератив Республикасидир. Германия Конституциясига биноан қонунлар федерал ва маҳаллий даражада ижро этилади. Жумладан, федерал қонунлар билан полиция ахбороти ва алоқаси марказий органлари, Конституцияни қўриқлаш ва

жиноят полицияси учун материал йиғиш бўйича органлар таъсис этилиши мумкин . Германия полициясининг вазифалари нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки профилактик хусусиятга эга бўлган қонунлар бузилишини олдини олиш, шунингдек аҳо-лига ижтимоий хизматлар кўрсатишга ҳам қаратилган .

Замонавий Германия полицияси куч ишлатишга асосланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора эмас, балки фуқароларга хизмат кўрсатадиган, уларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат ташкилоти сифатида шаклланган . Германия полицияси ўз фаолиятини, биринчидан, ижтимоий (ҳамкорликка) шерикликка асосланган ҳолда ташкил этиш, иккинчидан, фуқароларнинг қонунларга бўйсунадиган қатламлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама кўмак-лашиш, учинчидан, жамият аъзоларини мамлакат қонунларига нисбатан юқори ҳурмат руҳида тарбиялашни кўзлайди . Германия полициясининг фуқароларга хизмат кўрсатишдаги тажрибаси бизнинг ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларни муаммоларини ўрганиб уларга ёрдам беришидаги мажбуриятларига ўхшаб кетади.

Яна бир йирик мамлакат бўлган Россия Федерациясида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш учун Россия Ички ишлар вазирлигининг стратегияси ишлаб чиқилган ва амалиётда татбиқ этиб келинмоқда .

Ўрганиш мумкин бўлган Грузия Республикасида полиция органларида

2003-йилдан 2010-йилгача даврда ўтказилган ислохотлар натижасида аҳолини полицияга нисбатан ишончи ошган. Унда қуйидаги ислохотларни амалга оширилган: 1) давлат органларининг ишламайдиган институтларини тугатиш ва функцияларини кескин қисқартириш; 2) Полиция органи фаолиятининг ва ходимлар танлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш; 3) кадрларни саралаб олиш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; 4) қонун-қоидаларнинг аниқ бажарилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш; 5) қонун-қоидаларни бузганлик учун барча бирдек жавобгарлик; 6) халқ орасида одатга айланган, жамият ҳаётига таҳдид солмайдиган қоидаларни қонунлаштириш; 7) аҳолининг давлат органлари билан муносабатини соддалаштириш, амалдорлар билан бевосита мулоқотини кескин камайтириш . Грузия Ички ишлар вазирлигининг Ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи Шота Утиашвилининг таъкидлашича, коррупцияга қарши курашиш муваф-фақиятли бўлиши учун на Президент, унинг вазирлари, ҳеч ким ҳеч кимга пора бермаслиги ёки бировдан пора олмаслиги, кучли сиёсий ирода, шунингдек шахсий намуна бўлиши керак. Бу уларга коррупцияга алоқадор бўлганларни жазолаш ва бошқалардан бунга қилмасликни талаб қилишга маънавий ҳуқуқ беради. Коррупцияга қарши курашда бизда Грузия тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатлар полиция тизимларида тадқиқ этиш жараёнида аҳоли билан полиция ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилганлигини гувоҳи бўламиз. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, хорижий мамлакатлардан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Голландия ва Полша каби мамлакатларда полиция янги концепцияга мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. АҚШда жамоатчилик иштирокида жамоат тартибини сақлаш,

аҳоли полиция хизмати кўрсатилиши сифатида қаралган. Унинг мақсади фуқаролар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, ижтимоий хавфсизликни кучайтириш, жиноят олдидаги қўрқувни камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Шу сабабли, жамоатчилик иштирокида қонунийлик ва тартибни сақлашда асосий эътибор содир этилган жиноятларга қарши кураш эмас, балки содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар ва полиция ходимларига зарур ваколатлар берилган. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги бу хориж тажрибалари бизнинг ички ишлар органларининг сектордаги фаолиятида тадбиқ этиб, фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий полиция фаолиятининг Голландия моделига биноан, полиция иш сифати, полиция хизматларидан фойдаланувчи фуқаронинг баҳоси билан бевосита боғлиқдир. Узоқ вақт давомида Голландия полицияси фуқароларга ёрдам бериш соҳасида, ҳатто полициянинг асосий вазифаларидан ташқари, бошқа турли хил вазифаларни бажариб келмоқда. Голландия тажрибасига ўхшаш бизда ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг вазифаларидан ташқари аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ёрдам бериш борасида 3-сектор ҳудудларида ишларни ташкил этиб олиб бормоқда.

Хориж давлатларида ҳам фуқароларни ариза ва шикоятлари, мурожаатлари билан ишлашда давлат бошқарув тизими яратилган. Илғор хорижий тажриба миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ўрганилиши лозим бўлган манбалардан ҳисобланади. Норма ижодкорлиги фаолиятида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва тегишли соҳа бўйича қонунчилигини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ривожланган мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатли давлат органларига мурожаат қилишга оид ҳуқуқини таъминлаш бўйича амалиётини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Европа ва Американинг аксарият давлатлари қонунчилигини таҳлил қилиш ушбу мамлакатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ даражасида кафолатланганини кўрсатади. Профессор Инго Кеилитз мурожаат қилиш ҳуқуқи биринчи бўлиб АҚШ Конституциясида (биринчи тузатиш 1789 йилда киритилган ва 1791 йилда кучга кирган), кейинчалик Франция Конституциясида (1791 йилда) назарда тутилганини қайд этади. АҚШ Конституциясига киритилган биринчи тузатиш 5 та дин, сўз, матбуот, йиғилиш ва мурожаат қилиш эркинлиги ёки ҳуқуқини таъминлайди. Биринчи тузатишнинг илтимоснома бўлими одамлар ўз манфаатларига таъсир қиладиган ёки норозилигини билдирадиган бошқа сиёсатни қўллаб-қувватлаш ёхуд унга қарши давлатга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканини назарда тутувчи “Мурожаатлар тўғрисида Низом” деб номланади.

Германия Асосий қонунининг 17-моддасига асосан ҳар бир шахс алоҳида ёки бошқа шахслар билан биргаликда ваколатли инстанциялар ва халқ ваколатхоналарига мурожаат қилиши мумкин. Туркия Конституциясининг 74-моддасида эса фуқароларнинг ваколатли органларга ва Туркия Буюк Миллий Мажлисига (парламентига) сўров ва шикоятлар билан мурожаатлар қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Испания Конституциясининг 29-моддасида барча шахс алоҳида ёки бошқа шахслар билан биргаликда давлат органларига мурожаат қилиши мумкинлиги

белгиланган бўлса, Италия Конституциясининг 50-моддаси ҳамда Португалия Конституциясининг 52-моддасида барча фуқаролар қонун чиқариш бўйича тадбирлар ёки жамият эҳтиёжлари масалалари юзасидан Парламент палаталарига петициялар юбориши мумкинлиги қайд этилган. Литвада фуқароларнинг давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Конституциянинг 33-моддасида қонунлар ижроси билан кафолатланган.

Эътибор берилган бўлса, Туркия, Италия, Португалия ва Литвада ваколатли давлат органларига фақат фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Германия ва Испанияда мурожаат қилиш ҳуқуқи барча шахсларга нисбатан қўлланилган. Европа мамлакатларида давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи давлатнинг Парламент ва қонунчиликни назорат қилиш бўйича анъанавий назорат функцияларининг бир қисми ҳисобланади.

Европа мамлакатларида мурожаатларни кўриб чиқишга масъул бўлган органлар мақомига кўра бир-бирига ўхшашлигини кўриш мумкин. Бундай тизимнинг жорий этилиши уларнинг ижро ҳокимиятидан мустақил бўлишига ва ижро органларининг фаолиятини тегишли қонунлар билан назорат қила олишига ҳам имконият яратади. Юқорида ўрганилган мамлакатларнинг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тажрибасини ижобий баҳолаш ҳамда Ўзбекистон шароитида улардан фойдаланиш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнларини янада шаффоф ва адолатли амалга оширишда муҳим омил бўла олади, деб ҳисоблаш мумкин.

Бизда аҳолини бевосита давлат органларига мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги” 445-сонли қонунида тўлиқ кафолатланган. Бу соҳада мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида давлат органларида халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши амалиётини йўлга қўйиш тартиби жорий этилиши белгиланган.

Ўрганилган мамлакатларнинг деярли барчасида мурожаатлар ёзма ёки электрон шаклда юборилиши мумкин. Германияда ёзма петициялар аниқ белгиланган шаклга мос равишда тақдим этилиши шарт эмас, бунда петицияларга асосий талаб сифатида петиционернинг исми ва яшаш манзили кўрсатилиши керак, холос. Мурожаатчиларга енгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида Германия парламентининг веб-сайти орқали петиция юбориш имконияти яратилган бўлиб, ушбу веб-сайтда петициянинг намунавий шакли ҳам кўрсатилган ва петиционер шуни тўлдирган ҳолда ўз мурожаатини юбориши мумкин. Электрон петиция юборилганда петиционернинг исми ва электрон почта манзили кўрсатилиши лозим.

Германиянинг мурожаатлар билан ишлаш тизимини содда ва мурожаатчилар учун қулай шаклга эга, дейиш мумкин. Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши мурожаат этувчиларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қўшимча хизматлардан фойдаланишни талаб қилмайди. АҚШда бошқа мамлакатлар амалиётидан фарқли ўлароқ, мурожаат қилиш ҳуқуқи штатлар мурожаатларни фақат қабул қилишини талаб қилади, бунда уларга жавоб бериш мажбурий эмас.

АҚШда интернет орқали мурожаат қилиш амалиёти кенг тарқалган. Хусусан, кўп ҳолларда мурожаат қилиш жараёни хусусий нотижорат ташкилотлар томонидан ташкил қилинади, бунда улар фуқаролар номидан ўз мулкый манфаатлари ушбу фуқароларники билан мос келганда мурожаат қилади. АҚШ Президенти маъмурияти сиёсий экспертларига мурожаат қилиш учун 2011 йилда маъмуриятнинг расмий веб-сайтида “Биз халқмиз” (“We the people”) бўлими ташкил этилган. АҚШда петицияларни тўғридан-тўғри Оқ уйнинг Ёзишмалар бўлими орқали ёки “We the people” орқали юбориш мумкин. “We the people” одамларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун жорий этилган бўлиб, петициялар юбориш учун махсус тизим ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу тизим кенг тарқалган. Электрон мурожаат, яъни “We the people” орқали петиция юбориш учун мурожаатчи wхитеҳоусе.гов да рўйхатдан ўтиши (логин орқали) лозим. Агар мавжуд петицияни имзоламоқчи (овоз бермоқчи) бўлса, ўша шахс сайтда рўйхатдан ўтиши талаб этилмайди.

Буюк Британияда эса, ёзма мурожаатлар инглиз тилида ёзилиши ёки бошқа тилда бўлса, унинг инглиз тилидаги тасдиқланган таржимаси мавжуд бўлиши керак. Аксарият мамлакатларда мурожаат фақат битта, яъни давлат тилида бўлиши кераклиги талаби мавжуд эмас. Хусусан, Ўзбекистон тажрибасида ҳам мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин. Уларга жавоб бериш ҳам мурожаат қайси тилда ёзилган бўлса, қоида тариқасида, ўша тилда бўлиши лозим. Парламент аъзоси томонидан мурожаатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли махсус қўмитаси ёки вазирлигига юборилади.

Ғарб давлатларида ижтимоий ҳимоянинг марказлашган тизими 20-асрнинг бошларида Германия ва Буюк Британияда ижтимоий таъминот тизимларининг яратилиши даврида, бир оз кейинроқ эса АҚШда – Буюк депрессия даврида муваффақиятга эриша бошлади. 100 йил олдин ижтимоий ҳимоя тизимлари фақатгина бир неча мамлакатда расман мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу тизим деярли барча давлатларда амал қилмоқда. Мамлакатлар ўз имкониятлари, миллий шароитлари ва устувор-ликларига асосланиб ижтимоий ҳимоя тизимларини қурадилар.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга йўналтирилган бўлиши муҳим рол ўйнайди. Ривожланган мамлакатларда

1990 йиллардан бошлаб нафақа кўринишидаги ижтимоий ёрдам олувчиларни расмий тадбиркорликка жалб қилиш учун мажбурий талаблар жорий қилинган. Бу амалиёт қўлланилган мамлакатларда (Корея, АҚШ, Янги Зеландия, Буюк Британия ва бошқалар.) аҳоли бандлиги ошгани кузатилган.

Турли тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, камбағалликдаги инсон фаровонлигини фақатгина даромадларга асосланган баҳолаш ўрнига бошқа кўп критерийли тизимлари билан ўлчаш камбағалликка қарши курашишнинг самарасини янада оширади. Камбағаллик бу фақатгина даромадлар эмас, бу турли ўлчамли (тоза ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, санитария ҳолати, бошқа зарур хизматлар) ҳаёт сифатини ифодаловчи кўрсаткичдир. Мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимидаги бу ўзгариш-лар қисман Австрия, Белгия, Австралия, Канада, Чехия, Дания

ва бошқа мамлакатларда 2000-йилларнинг ўрталарида расмий камбағаллик даражасини камайтиришга омил бўлган.

Турли мамлакатлар камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделларни қўллашади. Мисол учун, швед модели икки мақсадни кўзда туттади: тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини камайтиришни таъминлаш. Мазкур мамлакатда, ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, талаб юқори бўлган соҳаларда ишлаш қобилиятини тиклашни маъқул қўришади.

Хитойда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ер ислохотларига қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади. Чехияда эса камбағал аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун асосий нафақадан ташқари маҳсулотлар ва пул кўринишидаги қўшимча қўмаклар берилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи махсус дастурлар орқали тарқатилади. Энг кўп тарқалган ёрдам турлари бу озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришlash бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон шароитида ҳам ривожланган мамлакатлардек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришга қаратилган давлат томонидан ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга, қашшоқликни зудлик билан бартараф этишнинг имкони бўлмаган шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириши учун қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ваколатига киритилган. Аниқроғи: ногиронликни белгилаш ва ногиронларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига, ногиронларни ишга жойлаштириш – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини ташкиллаштириш – Халқ таълими вазирлиги, ногиронларнинг транспорт хизматларидан фойдаланиши Транспорт вазирлиги ваколатига киради. Кам таъминланган оилалар, пенсионерлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Айни дамда юқорида санаб ўтилган давлат органларининг ҳеч бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажармайди.

Айни дамда Америка, Европа, МДХнинг аксарият давлатларида эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича турли давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатига катта эътибор қаратилади.

Хулоса шуки, Ўзбекистон шароитида ҳам ижро ҳоқиқияти органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти вакиллик органлари томонидан назорат қилинишига оид ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич

жорий этиш масаласини кўриб чиқиш долзарб, деб ҳисоблаймиз. Бунда дастлабки босқичда аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани бўйича давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатида, ҳокимлар ва ҳудудий давлат органлари (ташкилотлари) раҳбарларининг ҳисоботларини эса тегишлича Сенатда ёки маҳаллий кенгашларда ҳар чоракда камида бир марта эшитиб бориш амалиётини жорий қилиш, шунингдек, мазкур йўналишда парламент назоратининг бошқа шакллари ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда худларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлардаги фаолиятини муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг йўлга қўйилганлиги “маҳаллабай” ишлаш тизимини натижадорлигини ҳам ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир сектор раҳбари ўз ҳудуди миқёсида “маҳаллабай” ишлаш тизими асосида зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш баробарида жойлардаги турли муаммоларнинг ҳал этиши, хусусан, маҳаллаларни обод қилиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом муҳит яратилишига ҳар томонлама қўмаклашмоқда.

Секторлар фаолиятини баҳолашда янги адолатли ва таъсирчан тизим жорий этилганлиги фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотлар изчиллигини кучайтириш ҳамда секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ансел М. Методологические проблемы сравнительного права // Очерки сравнительного права.– М.,2009.С.36–87.
2. Бердияров Ш. Н. Қонунчилик технологиясининг моҳияти ва уни тадқиқ этишнинг аҳамияти // Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари Т.,2013.– Б. 40.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сон Фармон// Lex.uz/.
4. Основной закон Федеративной Республики Германии, 23 мая 1949 г..
5. Азизов Э.У. Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш: назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. – Т., 2021. – С.105.
6. Антонов И.П. Немецкая концепция международного права: эволюция теории и практика: Автореф. ...дис. д-ра юрид. наук. – М., 2008. – С. 49.
7. Эралиев А.Б. Германия ва Францияда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2020. – №1. – Б.134–138.
- 8.Свистилников А.Б., Зеленский М.А. Краткий обзор работы полиции Германии(по материалам поездки в Германию делегации Белую МВД РФ)// Зарубежный опыт. – 2009. – №2. – С.79.
9. Михайловская Т. Грузинское чудо-реформа полиции [http| kaknado. Info| home](http://kaknado.info/home).

10. Бобояров Б. Давлат хизматининг ривожлантириш агентлиги Жиззах вилояти етакчи инспектори. [https| sangzor.uz| jamiyat|13094-sektor-rabarlari-faoliyati-anday-baholanadi. html](https://sangzor.uz/jamiyat/13094-sektor-rabarlari-faoliyati-anday-baholanadi.html).

